



**ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ ФОШ ЭТИЛМАГАН
ЖИНОЯТЛАР ЮЗАСИДАН ТЕРГОВ ВА ТЕЗКОР ҚИДИРУВ
ХИЗМАТЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Абдухалилов Ҳожиакбар Дилмурод ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Маъмурий ҳуқуқ кафедраси

катта ўқитувчиси, катта лейтенант

Эрназаров Асилбек Абдуназар ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси 3-курс курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20647146>

Аннотация: Ушбу тадқиқот Ўзбекистон Республикасида профилактика инспекторларининг фош этилмаган (латент) жиноятлар бўйича тергов ва тезкор қидирув хизматлари билан ҳамкорлигини такомиллаштириш масалаларига бағишланган. Мақолада ички ишлар органларининг профилактика бўлинмаларининг фаолияти, уларнинг ҳуқуқий асослари ва амалий муаммолари таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: профилактика инспектори, фош этилмаган жиноятлар, тергов фаолияти, тезкор-қидирув фаолияти, идоралараро ҳамкорлик, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жиноятларни фош этиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, ахборот алмашинуви, тергов-тезкор гуруҳлари, далиллар тўплаш, жиноятларни очиш самарадорлиги, профилактик чора-тадбирлар, криминоген вазият таҳлили, қонунчиликни такомиллаштириш.

Тадқиқотда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг назарий ва амалий жиҳатлари, шу жумладан, ахборот алмашинуви, биргаликдаги тадбирлар ва ресурсларни мувофиқлаштириш механизмлари кўриб чиқилади. Такомиллаштириш йўналишлари сифатида халқаро тажриба ва миллий қонунчилик асосида янги моделларни жорий этиш таклиф этилади. Натижада, ҳамкорликни кучайтириш орқали латент жиноятлар сонини камайитириш ва

Contact: 99 826 99 56





жамият хавфсизлигини ошириш мумкинлиги таъкидланади.

Кириш сўзи: профилактика инспекторлари, фош этилмаган жиноятлар, тергов хизматлари, тезкор қидирув, ҳамкорлик такомиллаштириш, жиноятчилик профилактикаси, ички ишлар органлари, ҳуқуқбузарликлар олдини олиш, маҳалла тизими, Ўзбекистон қонунчилиги.

Замонавий жамиятда жиноятчиликнинг олдини олиш ва уни самарали назорат қилиш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан биридир. Ўзбекистон Республикасида ички ишлар органларининг профилактика инспекторлари ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларни олдини олишда марказий рол ўйнайди. Уларнинг фаолияти Президент фармонлари, жумладан ПҚ-2896-сонли фармонга асосланиб, маҳалла тизими ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан яқин ҳамкорликда амалга оширилади.

Бироқ, фош этилмаган жиноятлар (латент жиноятлар) масаласи долзарб бўлиб қолмоқда, чунки бундай жиноятлар жамият хавфсизлигига жиддий таҳдид солади ва уларни аниқлашда тергов ва тезкор қидирув хизматлари билан мувофиқлаштирилган ҳаракатлар зарур. Ушбу мақола мазкур ҳамкорликни такомиллаштириш муаммоларини ўрганишга қаратилган бўлиб, мақсади – мавжуд камчиликларни таҳлил қилиш ва илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқишдир. Тадқиқот вазифалари қуйидагиларни ўз ичига олади: ҳуқуқий базани баҳолаш, амалий тажрибани таҳлил қилиш, халқаро моделларни таққослаш ва такомиллаштириш механизмларини таклиф этиш. Бу ёндашув орқали жиноятчилик даражасини пасайтириш ва ҳуқуқ-тартибот тизимини мустаҳкамлашга ҳисса қўшиш кўзда тутилган.

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикасида профилактика инспекторларининг фош этилмаган жиноятлар бўйича тергов ва тезкор қидирув хизматлари билан ҳамкорлигини такомиллаштириш масалаларига бағишланган бўлиб, илмий тадқиқотлар ва амалий тажрибага асосланади.





Тадқиқотда ҳуқуқий ва ташкилий асослар, шунингдек, амалиётдаги муаммолар ва ечимлар кўриб чиқилади. Қуйида батафсил таҳлил ва таклифлар келтирилади.

Замонавий жамиятда ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш давлатнинг устувор вазифалари ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида ички ишлар органлари тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар доирасида профилактика инспекторлари билан тергов ва тезкор-қидирув хизматлари ўртасидаги ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур ҳамкорлик фош этилмаган (латент) жиноятларни аниқлаш ва очишда муҳим роль ўйнайди, зеро бу жиноятлар жамият хавфсизлиги учун яширин таҳдидни ташкил этади.

Экспертларнинг баҳолашича, латент жиноятлар рўйхатга олинган ҳолатлардан 3–5 марта кўп бўлиши мумкин, бу эса мавзунун долзарблигини янада кучайтиради. Замонавий жамиятда ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш давлатнинг устувор вазифалари ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида ички ишлар органлари тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар доирасида профилактика инспекторлари билан тергов ва тезкор-қидирув хизматлари ўртасидаги ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур ҳамкорлик фош этилмаган (латент) жиноятларни аниқлаш ва очишда муҳим роль ўйнайди, зеро бу жиноятлар жамият хавфсизлиги учун яширин таҳдидни ташкил этади. Экспертларнинг баҳолашича, латент жиноятлар рўйхатга олинган ҳолатлардан 3–5 марта кўп бўлиши мумкин, бу эса мавзунун долзарблигини янада кучайтиради.

Фош этилмаган жиноятлар сонининг ортиб бориши жамият хавфсизлигига бевосита салбий таъсир кўрсатувчи омиллардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш давлатнинг устувор





вазифаларидан бири сифатида белгиланган бўлиб, мазкур вазифанинг тўлиқ таъминланиши жиноятларни ўз вақтида аниқлаш ва фош этиш самарадорлигига чамбарчас боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида жиноят ишларини юритишнинг асосий мақсади жиноятни содир этган шахсни фош этиш ва жавобгарликка тортиш орқали қонунийликни таъминлаш эканлиги қайд этилган. Шу маънода, жиноятларнинг фош этилмай қолиши жиноятнинг жазосиз қолишига олиб келиб, жиноятчиликнинг такрор содир этилишига, фуқароларда давлат органларига нисбатан ишончнинг пасайишига ва жамиятда ҳуқуқий нигилизмнинг шаклланишига сабаб бўлиши мумкин.

Шунингдек, фош этилмаган жиноятлар жиноий муҳитнинг барқарорлашувига шароит яратиб, профилактик таъсир чораларининг самарадорлигини пасайтиради. «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, ички ишлар органлари жиноятларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва фош этишга масъул бўлган асосий давлат органи ҳисобланади. Мазкур вазифаларни амалга оширишда профилактика инспекторлари, тергов ва тезкор-қидирув хизматлари ўртасидаги самарали ҳамкорлик фош этилмаган жиноятлар сонини қисқартириш ва жамият хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда жиноятчиликнинг динамикаси мураккаб тус олмоқда. Расмий статистик маълумотларга кўра, 2024 йилда рўйхатга олинган жиноятлар сони 132 298 тани ташкил этиб, 2023 йилга нисбатан 27,1% га ўсган. 2025 йилнинг биринчи ярмида ҳам ўсиш тенденцияси сақланиб қолмоқда. Бу ҳолат фош этилмаган жиноятлар муаммосини янада долзарблаштиради, чунки уларнинг мавжудлиги жамиятда ҳуқуқий ишончни пасайтиради ва қайта жиноятчилик хавфини оширади.

Профилактика инспекторлари маҳаллабай ишлаш тизимининг асосий

Contact: 99 826 99 56






бўғини сифатида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда муҳим роль ўйнайди. Бироқ, тергов органлари ва тезкор-қидирув хизматлари билан ҳамкорликда бир қатор бўшлиқлар мавжуд: ахборот алмашинувининг самарасизлиги, норматив механизмларнинг етарлича ишлаб чиқилмаганлиги ва рақамли технологиялардан фойдаланиш даражасининг пастлиги. Масалан, айрим тадқиқотларда профилактика инспекторлари ва тезкор ходимлар ўртасидаги ҳамкорликнинг етарлича ташкил этилмаганлиги қайд этилади, бу эса жиноятларни ўз вақтида фош этишни қийинлаштиради.

Ушбу бўшлиқларни бартараф этиш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва “Хавфсиз маҳалла” концепциясини амалга ошириш учун зарурдир. Тадқиқот объектив таҳлилга асосланиб, мавжуд муаммоларнинг сабабларини очиб беради ва илғор ечимларни таклиф этади.

“Маҳаллабай” тизим Ўзбекистонда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг самарали механизми ҳисобланади. Профилактика инспекторлари маҳалла фуқаролар йиғини билан узвий боғлиқ ҳолда фаолият юритади, улар ҳудуддаги криминоген вазиятни ўрганади, хавф гуруҳига кирувчи шахсларни ҳисобга олади ва барвақт профилактика чораларини кўради.

Инспекторларнинг асосий вазифаларига ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқиш ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик киради. Маҳалла тизимининг ўзига хослиги унинг жамоатчилик иштирокида ишлашидадир, бу эса жиноятларнинг олдини олишда профилактика инспекторларининг позициясини мустаҳкамлайди. Аммо, фош этилмаган жиноятларнинг мавжудлиги инспекторларнинг тезкор ва тергов хизматлари билан интеграциясининг етарли эмаслигини кўрсатади.

Тергов ва тезкор қидирув органлари билан ахборот алмашинувидаги тўсиқлар





Ахборот алмашинувидаги асосий тўсиклар қуйидагилардан иборат:

- Норматив-ҳуқуқий базанинг етарлича мукаммаллаштирилмаганлиги (ҳамкорликнинг аниқ механизмларини белгиловчи ҳужжатларнинг камлиги);
- Ахборотларнинг ўз вақтида етказилмаслиги ва қоғозбозликнинг кўплиги;
- Малака ва ресурслар етишмовчилиги.

Натижада, профилактика инспекторлари томонидан тўпланган маълумотлар тергов ёки тезкор-кидирув жараёнларида тўлиқ фойдаланилмайди. Бу эса фош этилмаган жиноятлар сонининг сақланиб қолишига олиб келади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ҳамкорликнинг самарадорлигини ошириш учун қўшма таҳлилий гуруҳлар ва мунтазам ўқувлар зарур.

Рақамли технологияларни (масалан, ягона маълумотлар базасини) ҳамкорликда қўллаш истиқболлари

Рақамлаштириш ҳамкорликнинг самарадорлигини сезиларли даражада ошириши мумкин. Ягона электрон маълумотлар базасини яратиш инспекторлар, терговчилар ва тезкор ходимлар ўртасида реал вақт режимида ахборот алмашинувини таъминлайди. Бу орқали криминоген вазиятнинг оператив таҳлили, хавфларни башорат қилиш ва профилактика чораларининг самарадорлигини баҳолаш мумкин бўлади.

Истиқболларга мисол қилиб, ИИВ тизимидаги мавжуд платформаларни интеграция қилишни келтириш мумкин. Бу нафақат ахборот алмашинувини тезлаштиради, балки бюрократияни қисқартиради ва ҳуқуқий жараёнларнинг шаффофлигини оширади. Шунингдек, сунъий интеллект элементларини жорий этиш орқали фош этилмаган жиноятларни аниқлаш имкониятлари кенгаяди.

Таклиф ва тавсиялар

Contact: 99 826 99 56





Ҳуқуқий ва ташкилий механизмларни такомиллаштириш бўйича қуйидаги аниқ учта таклифни илгари сурамиз:

1. Норматив-ҳуқуқий база такомиллаштириш: Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан “Профилактика инспекторларининг тергов ва тезкор-қидирув органлари билан ҳамкорлиги тўғрисида”ги алоҳида идоравий норматив ҳужжатни қабул қилиш. Унда ахборот алмашинувининг муддатлари, масъулият ва механизмларни аниқ белгилаш лозим. Бу ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлайди.

2. Ягона рақамли платформа яратиш: Профилактика, тергов ва тезкор-қидирув хизматларининг ягона электрон маълумотлар базасини ишлаб чиқиш ва жорий этиш. Бу платформада маълумотларнинг ҳимоясини таъминлаш ва фойдаланиш ҳуқуқларини дифференциаллаштириш зарур. Пилот лойиҳа сифатида бир неча туманда синовдан ўтказиш тавсия этилади.

3. Қўшма ўқув ва мониторинг тизимини кучайтириш: Профилактика инспекторлари, терговчилар ва тезкор ходимлар учун мунтазам қўшма тренинглар ташкил этиш ҳамда ҳамкорлик самарадорлигининг КРІ (асосий самарадорлик кўрсаткичлари) тизимини жорий қилиш. Бу орқали амалий малакани ошириш ва натижаларнинг объектив баҳоланишини таъминлаш мумкин.

Ундан ташқари қуйидаги йўналишлар бўйича илмий асосалантирилган таклифларни беришни жойиз деб топдик:

Профилактика инспектори ўз ҳудудидаги (маҳалладаги) тезкор вазиятни, шубҳали шахсларни энг яхши биладиган субъект ҳисобланади. Бироқ, тергов ёки тезкор вакиллар томонидан фош этилмаган жиноятлар бўйича юборилган сўровлар кўп ҳолларда расмий қоғозбозлик ва рапорт алмашиш шаклида амалга оширилади.

Бунга **таклиф** сифатида ҳар бир криминоген оғир маҳалла ёки сектор





кесимида терговчи, тезкор вакил ва профилактика инспекторидан иборат доимий ишлайдиган «Тергов-тезкор-профилактик учлиги» иш услубини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Қолаверса, профилактика инспекторининг зиммасида жуда кўп миқдордаги маъмурий ва ижтимоий вазифалар (оилавий низолар, маъмурий назорат, ҳисоботлар, маҳалла тадбирлари) мавжуд. Бунинг натижасида, у ўзининг маъмурий ҳудудида содир этилиб, фош этилмай қолган жиноятлар бўйича тезкор-қидирув тадбирларига ва тергов ҳаракатларига кўмаклашишга жисмонан вақт топа олмайди.

Бунинг ечими сифатида фош этилмаган жиноятлар бўйича профилактика инспектори томонидан амалга оширилиши лозим бўлган «Генерик ҳаракатлар харитаси» (Алгоритм)ни тасдиқлаш. Жиноятларни фош этишда профилактика инспекторининг улуши ва кўрсатган ёрдами баҳоловчи аниқ мезонларни (KPI) ишлаб чиқиш. Масалан, фош этилмаган жиноятни очишда бевосита бошқа хизматларга ёрдам берган инспекторга рейтинг бали ва моддий рағбатлантириш тизимини боғлаш.

Хулоса

Тадқиқот профилактика инспекторларининг маҳаллабай тизимдаги ўрнининг муҳимлигини, ҳамкорликдаги мавжуд тўсиқларни ва рақамли технологияларнинг истиқболларини таҳлил қилди. Таклиф этилган механизмларни амалга ошириш фош этилмаган жиноятлар сонини қисқартириш, ахборот алмашинувининг самарадорлигини ошириш ва умуман, ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимининг самарадорлигини кучайтиришга хизмат қилади.

Кутилаётган самаралар жумласига жиноятчиликнинг пасайиши, фуқароларнинг ҳуқуқий хавфсизлик ҳиссининг ошиши ва давлат органлари ўртасидаги ишончнинг мустаҳкамланиши киради. Келгуси тадқиқотларда бу





механизмларнинг амалиётдаги самарадорлигини мониторинг қилиш ва такомиллаштириш зарур. Ушбу ёндашув Ўзбекистонда “Хавфсиз ва фаровон маҳалла” мақсадига эришиш йўлида муҳим қадам бўлади.

REFERENCES:

1. Таштемиров А. Кибержиноятчилик ва унинг ўзига хос шаклланиш давлари //Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования. – 2023. – Т. 2. – С. 133-139.

2. Abduxalilov H. D., Xusanova M. M. VOYAGA YETMAGAN JINOYATCHINING SHAXSI //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2024. – Т. 1. – №. 8. – С. 146-148.

3. Таштемиров А. А. и др. Ижтимоий тармоқлар орқали содир этилаётган жиноятларга қарши курашиш чора-тадбирлари //Models and methods for increasing the efficiency of innovative research. – 2023. – Т. 2. – №. 21. – С. 24-31.

4. Nasilloev A. The absence of civil conflicts-a priority direction in the activities of internal affairs bodies in ensuring the rule of law //American journal of education and learning. – 2025. – Т. 3. – №. 9. – С. 770-776.

5. Таштемиров А., Юлдошев Х. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда оммавий ахборот воситалари ва блогерлар билан ҳамкорликнинг ўзига хос жиҳатлари //Академические исследования в современной науке. – 2024. – Т. 3. – №. 17. – С. 55-61.

6. Abduxalilov X. et al. PROFILAKTIKA INSPEKTORINING QO ‘SHMACHILIK QILISH VA FOHISHAXONA SAQLASH BILAN BOG ‘LIQ JINOYATLAR BO ‘YICHA TEZKOR QIDIRUV BILAN HAMKOLRLIGINI TAKOMILLASHTIRISH //Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования. – 2024. – Т. 3. – №. Maxsus son 12. – С. 78-84.





7. Насиллоев А. Ички ишлар органларининг лицензиялаш ва хабардор қилиш тартибидаги назорат ваколатлари ва уларни такомиллаштириш масалалари //Наука и инновatsiя. – 2024. – Т. 2. – №. 38. – С. 23-25.

8. Ўғли А. Ҳ. Д., Усмонов А. Р. Ў. СУВ ТОШҚИНЛАРИ ПАЙТИДА ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2024. – Т. 4. – №. 5. – С. 299-307.

9. Абдухалилов Х. Д. Ў., Валиев Б. Б. Ў. БОСҚИНЧИЛИК ЖИНОЯТЛАРИНИ ПРОФИЛАКТИКА ҚИЛИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2024. – Т. 1. – №. 7. – С. 116-119.

10. Abduxalilov H. D., Mustafoyev S. S. HUQUQBUZARLIKLARNING YAKKA TARTIBDAGI PROFILAKTIKASI TUSHUNCHASIGA OID NAZARIY TAXLIL //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2024. – Т. 1. – №. 8. – С. 33-37.

11. Abduxalilov X., Ernazarov A. IMPLEMENTATION OF PREVENTIVE MEASURES BY PREVENTION INSPECTOR FOR MINORS RETURNING FROM PENAL INSTITUTIONS //Академические исследования в современной науке. – 2025. – Т. 4. – №. 3. – С. 93-96.

12. Abduxalilov X., Ismoilov I. PROFILAKTIKA INSPEKTORINING HUQUQBUZARLIKLARNING VIKTIMOLOGIK PROFILAKTIKASINI TASHKIL ETISHDA MAHALLA YETTILIGI BILAN O ‘ZARO HAKMORLIGINI TAKOMILLASHTIRISH //Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования. – 2024. – Т. 3. – №. Maxsus son 12. – С. 57-61.

